


Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир.



O'zbekiston
«ADOLAT»
SOTSIAL-DEMOKRATIK
PARTIYASI

ADOLAT

Ижтимоий-сиёсий газета

Инсон манфаатлари — олий қадрият

№ 30
(734)
2009 йил
3 июль,
жума

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК — ИСЛОХОТЛАР САМАРАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 2 июль кuni Наманган вилоятида бўлди.

Наманган вилояти мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий, маданий-маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутадиган минтақалардандир. Наманган аҳли мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, мамлакатимизни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Вилоятда жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши 10,7 фоизни ташкил этди, саноат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиши таъминланмоқда.

Бу йил вилоятда 79 минг гектар майдонга галла, 86 минг гектардан зиёд ерга пахта экилди. Вилоятдаги етти мингга яқин фермер хўжалиги пахтачилик ва галлачиликдан ташқари, боғдорчилик, чорвачилик, полиз экинлари етиштириш билан шуғулланади.

Бугунгача вилоятнинг беш тумани давлатга галла топшириш бўйича шартнома мажбуриятини бажарди. Умумий галла майдонининг 65,4 фоизиди ҳосил ўриб-йиғиб олинди. Галладан бушаган майдонларни сомондан тозалаш ва пешмаш пеш шугурлаш ишлари изчил давом этмоқда.

Президент Ислам Каримов Косонсой туманидаги «Чинор» фермер хўжалиги далаларига ташир буюрди. Бу ерда мамлакатимиз раҳбари фермерлар билан мулоқотда бўлиб, ишларни йўлга қўйиш, шу орқали қишлоққа саноатни олиб кириши ва пировардида аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилиши керак. Жумладан, чорвачилик сардоромад соҳалардан бири. Бу соҳани ривожлантириш, чорва маҳсулотларини қайта ишлаш орқали даромадни бир неча ҳисса ортириш мумкин.

(Давоми 2-бетда.)

МУҚАДДАС ТУЙҒУ, МУҚАДДАС ТУШУНЧА



у ўзлигимизни
англашда,
юрт тинчлиги,
омонлиги ва
барқарорлигини
сақлашда
ишончли
гаров

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов шу йил 19 июнь кuni имзо чеккан «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг ўн саккиз йиллик байрамини тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қароридан сўнг Ватанимизнинг Бош майдони — Мустақиллик майдонида бўлиб, у ердаги Эзгулик аркаси, Бахтиёр она монументи, Хотира хиёбони атрофларида ва қуёқ арчазорлар ораллиқларидаги йўлақларда сайр қилиб юрган ўнлаб юртдошларимизни суҳбатга тортиди.

Шарофат ОМОНОВА, Сурхондарё вилояти, Шўрчи туманидаги тиббиёт коллежи ўқитувчиси:

— Мустақиллик, бу — муқаддас туйғу. У — давлатимиз раҳбари таърифлаганларидек, ўзлигимизни англашда, юртимиз тинчлиги, омонлиги ва барқарорлигини, инсон манфаати, эркинлиги ҳамда фаровонлигини таъминлашда бамисли қудратли қалқон, демократик жамият барпо этиш йўлидаги савий-ҳаракатларимиз рўйбўйини ишончли гарови. Шунинг учун ҳам халқимиз ўн саккиз йилки, бу муқаддас ва мунаввар байрамнинг ҳар бир санасини катта тайёргарлик билан муносиб кутиб олади, кенг тантана билан нишонлайди.

(Давоми 2-бетда.)



ФАОЛИЯТНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

дея таъкидланди партия Сиёсий Кенгаши Раёсати ва Ижроия Қўмитасининг қўшма йиғилишида

Ўзбекистон
«Адолат» социал-
демократик
партияси Сиёсий
Кенгаши Раёсати ва
Ижроия Қўмитаси-
нинг қўшма
йиғилиши бўлиб
ўтди.
Сиёсий Кенгаш
Раёсати ва Ижроия
Қўмитаси аъзолари,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси депутат-
лари, партия
фаоллари иштирок
этган йиғилишда
партия фаолиятига
доир қатор муҳим
масалалар кўриб
чиқилди.



Озод ва обод юртга байрамлар, яхши кунлар ярашади. Истиқлол туғини байроқ қилиб, юксак тараққиёт, порлоқ истиқбол сари дадил одимлаётган, эртанги кунини, келажакни мустақиллик шарофатидан, деб билган халқимизнинг ҳар бир кuni байрамлардан, байрамона шодумон кунлардан иборат. Бинобарин, мустақиллик энг олий неъмат, юксак қадрлидир. Асрий орзу-

миз ушалган кун — Мустақиллик кuni кенг миқёсда нишонланиши, зўр тантана қилиниши боиси ҳам шунда.

Хозир ўтаётган ҳар бир кунимиз бизни Истиқлолнинг 18 йиллик тантаналари сари тобора яқинлаштирмоқда. Қолаверса, яна бир катта шодиёна — мамлакатимиз пойтахти — азим Тошкентнинг 2200 йиллик тўйи бу йил ана шу энг улуг,

энг азиз байрам тантаналари-
га улашиб, уйғунлашиб кетмоқ-
да.

Байрам тадбирларини юксак савияда ташкил этиш ва ўтказиш-
га Ўзбекистон «Адолат» социал-
демократик партияси аъзолари
ҳам муносиб ҳисса қўйиш ния-
тида. Партиянинг барча бўғинла-
ри байрам тадбирларида Истиқ-
лол, унинг узоқ тарихий йўли,
Мустақиллик шарофати ила хал-

қимизнинг бой тарихи, бетакрор маъ-
навий мероси, урф-одат ва аъёнла-
ри қайта тикланганини, мамлакатимиз-
да амалга оширилаётган бемисл
қўламли бунёдкорлик ишлари ҳамда
Тошкент шаҳрининг юртимиз тарихи-
да, ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган
бекиёс ўрнини, юксак мавқеини кенг
тарғиб қилишни мақсад-муддоо қилиб
турибди.

(Давоми 2-бетда.)

Муносабат

ТАБРИК РУҲ БЕРДИ, ИЛҲОМ БЕРДИ

қалам аҳлига куч-қувват берди

Президентимизнинг ўзини журналистика соҳасига бағишлаган захматкаш ҳамда фидойи инсонлар — матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табриги барча қалам аҳлини янги ижодий ютуқларга қорлади.

Юртбошимиз мустақиллик йиллари одамни қувонтирадиган, ҳайратда қолдирадиган ижодий ўзгаришларни эътироф этиш билан бирга журналистлар олдида замоналаб вазифаларни ҳам қўйди. «Жур-

налист меҳнатининг қадрини, — дейилди жумладан табрикда, — бу борада қобилият ва ижодий маҳоратнинг қанчалик зарурлигини яхши биладиган, ҳар бир мақола, ҳар бир эшиттириш ёки курсатув учун кўз нури, юрак кўрини бағишлаб яшайдиган инсонлар соҳадаги ютуқ ва камчиликларга ҳолисона ва танқидий баҳо бермаса, бошқа ким ҳам баҳо бериши мумкин?»

Дарвоқе, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мамлакатимизнинг бугунги журналисти ўз фаолияти-

ни юксак талаб ва ме-
зонлар нуктаи назаридан
баҳолаб, миллий матбу-
отимизни дунёдаги ри-
вожланган оммавий ах-
борот воситалари дара-
жасига қўтариш масала-
сини энг долзарб вазифа,
деб билмоғи жоиз.
Яъни, олиб борилаётган
ички ва ташқи сиёсатни
оддий фуқаролар кўзи
билан турли нуктаи на-
зарлардан баҳолаб ифо-
да этиш — ҳозирги за-
мон журналистнинг
профессионал маҳорати-
га боғлиқ.

(Давоми 3-бетда.)

ПЕШҚАДАМЛАР МАРРАДА

Ўтаётган ҳафта ичида Андижон, Сурхондарё, Бухоро, Хоразм вилоятлари баллакорлари шартнома режасини барвақт удалаё, республикамиз дон хирмонига баракан улۇш қўшди. 81700 гектар майдонда гектар бошига 62,1 центнердан ҳосил олган андижонлик, 98 минг гектар суғориладиган ва 4200 гектар даламкор пайкалларнинг ҳар гектаридан ўртача 55 центнердан дон етиштирган сурхондарёлик миришкорлар ўрим суръатини қизинг давом эттиришашпти.

Бухорода кўзги бошоқдан дон экинларидан олинандиган даромад ўтган йилдагидан 15,7 миллиард сўмга (ёки 21 фоизга) кўпайиб, жами 75,2 миллиард сўм бўлиши кутиламоқда. Хоразмликлар хирмони 83 минг тоннадан ошди.

ЯНА БИР ҚўШМА КОРХОНА

Андижон. Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил иқтисодий ислохотлар, айниқса, чет эллик сармоядорлар учун яратилган қулай инвестицион муҳит туфайли ишга туширилаётган кўплаб қўшма корхоналар сафига шаҳардаги «Idas Elektronika sistem» Ўзбекистон — Сингапур қўшма корхонаси ҳам қўшилди.

Корхона шу йилнинг ўзидаяк Асака автомобилсозларига бу ерда ишлаб чиқарилаётган «Нексиа» автомашинаси учун 1 миллиондан зиёд «Матиз» учун эса 75 минг дана замонавий плеерлар етказиб беради.

ЯНГИ ИШЛАНМАЛАР — АМАЛИЁТГА

Тошкент. «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компаниясининг инновацион юзлар, технологиялар ва лойиҳалар тармоқ кўргазма — ярмаркаси бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда амалиётдаги мутахассисларга тақдир этилган инновациялардан кўзланган мақсад — кимёсаноат базасини кенгайтириш, ҳаракатдаги технологияларни тақомиллаштириш, импорт ўринини босадиган экспортбон маҳсулотларнинг янги турларини яратиб бўлди. Айни кезде мамлакатимизда нефть-газ соҳаси ва бошқа жабҳаларини янада модернизациялаш учун энг замонавий технология ва техник ечимларни излаб топил ш ҳам кўзда тутилди.

БУГУНГИ
СОҒДА:

ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ

Пойтахтимиздаги «Тошкент» теннис мажмуасида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги ҳамда Халқаро гивҳандликка қарши кураш кuni муносабати билан «Мен соғлом ҳаётини таналайман» ширин остида хайрия концерти бўлиб ўтди.



ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

«Стеклопластик» ўтган йили «СамАвто» корхонасига саккам 100 минг АҚШ доллари миқдоридан бутловчи қисмлар етказиб берди. Демак, мамлакатимизга шунча миқдордаги маҳсулотни четдан валюта овозига олиб келиш харажати камайди.



БИЛИМЛИ ВА ЗУККО ТАЛАБА

Университетини мутахассисликлар бўйича жорий йилда муваффақиятлан тамомлаган битирувчиларни таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларга муҳим ишга жойлаш мақсадида «Карьера кuni» ўтказилди. Бу тадбирнинг меҳнат ярмаркасидан фарқли томони шундаки, бунда иш берувчининг ўзи малакали мутахассис сўраб университетта келади.



